



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"O'ZNEFTGAZQUDUQTA'MIRLASH" Aksiyadorlik jamiyati

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"O'ZNEFTGAZQUDUQTA'MIRLASH" AJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

30.03.2004

32

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

201057286

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi:

Buxoro viloyati, Qorovulbozor tumani, Qorovulbozor, CHO'LQUVAR MFY
MEHNATOBOD KO'CHASI 40-UY,

Guvohnoma:

Buxoro viloyati, Qorovulbozor tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



BOSHQARMASI BUXORO VILOYATI
QOROVULBOZOR TUMAN
DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI
QAYTA RO'YXATDAN O'TKAZISH
№ _____ sonli reestr raqami 26.11.2021 yil
394001



«ТАСДИҚЛАНГАН»
«O'zneftgazquduqta'mirlash»

aksiyadorlik jamiyati aksiyadorlarining
2021 йил «21» июндаги умумий йиғилиш
қарори билан

«O'ZNEFTGAZQUDUQTA'MIRLASH» aksiyadorlik jamiyati

УСТАВИ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (06.05.2014й. ЎРҚ-370-сон) ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. «Ўзнефтгазқудуктаъмирлаш» очик акциядорлик жамияти (бундан кейин «Жамият» деб аталади), «Ўзбекнефтегаз» Миллий Холдинг Компанияси, «Ўзнефтегазказибчиқариш» АКнинг тизимига киради. Бухоро вилояти бўйича Республика Давлат мулк кўмитасининг давлат корхонасини очик акциядорлик жамияти қилиб қайта тузиш тўғрисидаги 1998 йил 12 июнь 482-рақамли қарорига асосан ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш Давлат кўмитаси Бухоро вилоят бошқармасининг 12.06.1998 йилдаги 482-сонли буйруғига асосан «Ўзнефтгазқудуктаъмирлаш» очик акциядорлик жамияти таъсис этилган.

Жамият Устави Қоровулбозор тумани ҳокимининг 01.03.1999 йилдаги 93-сонли қарори билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахрирда қабул қилиниши (06.05.2014 йилдаги ЎРҚ-370-сонли) муносабати билан ва 20.06.2014 йилда ўтказилган «Ўзнефтгазқудуктаъмирлаш» ОАЖ акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига асосан жамият номи «Ўзнефтгазқудуктаъмирлаш» акциядорлик жамиятига ўзгартирилган ва жамиятнинг янги тахрирдаги устави тасдиқланган.

1.4. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида:

- кирилл ёзувида – «Ўзнефтгазқудуктаъмирлаш» акциядорлик жамияти.
- лотин ёзувида – «O'zneftgazquduqta'mirlash» aksiyadorlik jamiyati.

Рус тилида:

- Акционерное общество «Узнефтгазқудуктаъмирлаш».

Инглиз тилида:

- Joint stock company «O'zneftgazquduqta'mirlash»

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида:

- кирилл ёзувида – «Ўзнефтгазқудуктаъмирлаш» АЖ.
- лотин ёзувида – «O'zneftgazquduqta'mirlash» AJ.

Рус тилида:

- АО «Узнефтгазқудуктаъмирлаш».

Инглиз тилида:

- JSC «O'zneftgazquduqta'mirlash».

2. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

2.1. Қуйидагилар жамият фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) ва мақсади ҳисобланади:

- нефт ва газ қудуқларини таъмирлашда сервис хизмат кўрсатиш;
- қишлоқ хўжалик янги ер майдонларини очиш ва экиш;
- саноат объектларини қуриш ва таъмирлаш;
- уй-жой ва ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш;
- аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш;
- транспорт хизмати кўрсатиш, қурилиш материаллари, эҳтиёт қисмлари билан таъминлаш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва уни қайта ишлаб чиқариш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави ва унда белгиланган мақсад ва вазифаларга зид бўлмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш;

- Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида инобатга олинган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Жамият ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдида турган вазифаларни ечиш учун қуйидаги ҳуқуқларига эгадир:

а) халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш;

б) саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, халқ истеъмол молларини улгуржи ва чакана савдосини ташкил этиш;

в) ўзи ишлаб чиқарган, вилоят ташқарисидан харид қилган маҳсулотни сўмга ва валютага сотиш учун турли хилдаги савдо корхоналарини очиш.

г) амалга ошириладиган иш ва кўрсатиладиган хизматларга бўлган талаб ва ривожланиш бизнес-режасининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари асосида ўз фаолиятини режалаштириш ва ривожланишнинг истиқболини белгилаш;

д) ўз фаолиятини ривожлантириш бизнес-режасини тузиш;

е) белгиланган тартибда асосий воситаларни ижарага бериш ва олиш, кредит, лизинг, гранд, ва бошқа молиявий ёрдам маблағларини жалб этиш;

ж) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва халқаро шартномаларга мос равишда ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш, чет эллик ҳуқуқий шахслар билан илмий ва илмий-техник ҳамкорликни мустақил амалга ошириш;

з) амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва мустақил равишда ўз балансидан мол-мулк, қарзларни, камомад ва бошқа зарарларни чиқариш;

и) Жамият фаолиятининг барча йўналишларида ўз муносабатини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ўз фаолияти мақсади ва предмети доирасида юридик ва жисмоний шахслар билан тузиладиган шартнома, келишув, контрактлар асосида ташкил этади;

к) маҳаллий ва халқаро миқёсида илмий конференция, симпозиум, форум, давра суҳбатлари ташкил этиш ва уларда иштирок этиш;

л) ўз фаолиятини моддий-техник таъминотини ташкил этиш, ўз фаолияти натижасида олинган даромадларни мустақил равишда тасарруф этиш, шунингдек молиявий ва бегараз хайрия ёрдам кўрсатиш;

м) бошқа манбалардан келган молиявий маблағлардан фойдаланиш;

н) мавжуд молиявий маблағлар манбалари ҳисобидан асосий ва айланма воситаларни сотиб олиш ёки ижарага олиш;

о) қонунчиликда белгиланган тартибда таркибий тузилмаларни ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасидан ва хориждан мутахассислар ёллаш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш услуги, миқдори ва турини мустақил белгилаш;

п) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави ва унда белгиланган мақсад ва вазифаларга зид бўлмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш;

р) Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида инобатга олинган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг амалга оширилади.

Жамият юқорида кўрсатилган фаолият турларидан ташқари ўзига қарашли бўлинмалар, корхоналар ишини яхшилаш ҳамда уларни қуллаб-қувватлаш учун қонунчиликка зид келмайдиган бошқа ишларни ҳам бажариши мумкин.

2.2. Жамият фаолияти юқорида белгиланган фаолият турлари билан чегараланмайди. Жамият амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставга зид бўлмаган фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

3. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ) МИҚДОРИ, ЖАМИЯТ РЕЗЕРВ ФОНДИ

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

3.2. Жамият Устав фонди миқдори номинал қиймати **2 700** сўм бўлган **1 066 730** дона оддий ва **21 770** дона имтиёзли жами **1 088 500** дона эгаси ёзилган нақдсиз (хужжатсиз) акцияларга бўлинган **2 938 950 000** сўмдан иборат.

а) Жамият устав фонди миқдорини кўпайтириш.

3.3. «Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Устав капиталини кўпайтириш эмитентнинг жалб қилинган инвестициялари, ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Эмитент устав капиталини ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда кўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси типдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша типдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

Эмитентнинг акциядорлари орасида кўшимча акцияларини тақсимлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган реестрни ёпиш санасига амалга оширилади. Кўрсатилган сана акцияларнинг кўшимча чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кунидан бошлаб ўттиз кундан кечикмасдан бошланиши лозим.

Кўшимча акцияларни тақсимлаш натижасида акциядорларнинг — бутун акциялар эгаларининг касрий акциялари пайдо бўлишига йўл қўйилмайди.

3.4. Кўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.5. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига кўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати **2 700** сўм бўлган **53 900 000** дона эгаси ёзилган оддий нақдсиз ва **1 100 000** дона эгаси ёзилган имтиёзли нақдсиз акциялардан иборат.

3.6. Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

3.7. Кўшимча чиқарилаётган акциялар очиқ обуна усули билан белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан биржа ёки биржадан ташқари уюшган бозорда жойлаштирилади.

3.8. Кўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

3.9. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул воситасида амалга оширилади.

3.10. Жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

б) Жамият Устав фонди миқдорини камайтириш.

3.11. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шарти билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.12. Устав фондиди камайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

3.13. Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

3.14. Жамиятда унинг устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоиздан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилади. Жамиятнинг захира фонди мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори мазкур уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунга ва Вазирлар Маҳкамасининг 12.11.2008 йилдаги 245-сонли Қарорига мувофиқ, мехнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини, мақсадли программаларни ҳамда ишчилар мехнатини муҳофаза қилиш ва шароитини яхшилашга қаратилган бошқа чораларни молиялаштириш мақсадида жамиятда «Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича фонди» тузилди.

Жамиятда мехнатни муҳофаза қилиш фондини тузиш ва унинг маблағларини ишлатиш тартиби жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган «Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича фонди тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинади.

Жамият қонунчилиқда бегиланган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг қарори билан бошқа фондларни ҳам ташкил этиш ҳуқуқига эга.

3.15. Жамиятда «Ўзнефтьгазкудуктаъмирлаш» АЖда илмий, илмий-техник ва инновацион фаолиятни қўллаб қувватлаш Фонди” ташкил этилади.

Фонд маблағларининг шаклланиши, бошқарилиши ва ишлатилиши жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган “Ўзнефтьгазкудуктаъмирлаш” АЖда илмий, илмий-техник ва инновацион фаолиятни қўллаб қувватлаш Фонди” тўғрисидаги Низомга асосан тартибга солинади.

4. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ СОНИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

4.1. Жамият ҳар бирининг номинал қиймати **2 700** сўм бўлган акцияларни муомалага чиқаради.

4.2. Жамият томонидан жойлаштирилган акциялар: номинал қиймати **2 700** сўмлик, умумий қиймати **2 938 950 000** сўм бўлган, **1 066 730** дона оддий ва **21 770** дона имтиёзли жами **1 088 500** дона эгаси ёзилган нақдсиз (ҳужжатсиз) акциялардан иборат.

4.3. Жамият ўз хўжалиқ фаолияти натижасидаги зарарларни қоплаш мақсадида акцияларни муомалага чиқариши мумкин эмас.

4.4. Акциялар эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин.

4.5. Жамият имтиёзли акциялари ўз эгаларига ҳар йили акциялар номинал қийматининг **10 (ўн) фоиз** миқдорда дивиденд олиш ҳуқуқини беради.

4.6. Имтиёзли акциялар эгалари жамият тугатилган тақдирда унинг мулклари тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимооти амалга оширилгунга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

4.7. Жамият ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

4.8. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

4.9. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

4.10. Дивиденд акциядорлар ўргасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

4.11. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

4.12. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.13. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

4.14. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

5. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИ

5.1. Жамиятни бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув Кенгаши;
- Ижроия органи (Бош директор).

6. АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

6.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

6.2. Жамият ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

Жамиятда акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишини одатда ҳар йили июн ойининг учинчи декадасида ўтказилади.

6.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киреди:

а) жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) жамиятни қайта ташкил этиш;

в) жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

ж) ўз акцияларини олиш;

з) жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

и) жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

к) жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

л) жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

м) жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботини эшитиш, жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунлари бўйича ҳисобот ва хулосаларини эшитиш;

н) мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

о) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

п) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

р) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият томонидан йирик битимлар ва жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек кундалик хўжалик фаолиятига тегишли бўлган битимларни белгилаш;

с) жамият бошқарув раисини (ижроия орган раҳбари – хорижий менежерни) тайинлаш (сайлаш), жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

т) амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш;

у) **Шу билан бирга акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколати доирасига қуйидагилар киреди:**

- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;

- ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- санок комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

- Корпоратив бошқарув Кодексда белгиланган бошқа масалаларни ваколат доирасида ҳал этиш.

6.4. Ушбу Уставнинг 6.3. бандининг а, б, в, д, м – хат бошиларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

6.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар йиғилиш баённомаси имзоланган кундан икки иш кунидан кечиктирмай, шунингдек овоз бериш яқунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

6.6. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин **тўқсон** кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли. Шунингдек, Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Шунингдек, жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) соф фойда тақсимоли бўйича, жамиятнинг бошқарув ва назорат органларига номзодлар бўйича ҳамда уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишига қадар алмаштириш имконияти билан кун тартибига таклифлар беришга ҳақли.

6.7. Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

6.8. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан **миноритар акциядорларнинг қўмитаси** ташкил этилиши мумкин.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар жамиятга жамият кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва жамият кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига жамиятнинг Бош директори, бошқарув аъзолари, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчиси этиб) сайланган шахслар кириши мумкин эмас.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қуйидагилар киради:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муурожаатларини кўриб чиқиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида муурожаатлар киритиш;

қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Миноритар акциядорлар қўмитасининг мажлислари унинг миқдор таркибига сайланган шахсларнинг камида тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

Жамият миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларининг сон таркиби 3 (уч) кишидан иборат.

Миноритар акциядорларнинг қўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот беради.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси ушбу қўмита таркибидан миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколат доирасига киритилган барча масалалар бўйича жамиятнинг ҳужжатларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

Миноритар акциядорлар қўмитаси жамиятнинг хўжалик фаолиятига аралаштиришга ҳақли эмас.

Миноритар акциядорлар кўмитасининг фаолиятига жамият кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг аралашувиغا йўл қўйилмайди.

Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда уларнинг биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузишга ҳақли.

Миноритар акциядорлар ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан АЖ бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

АЖ маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик кўмитасини таъминлаш харажатини қоплайди (миноритар акциядорлик кўмитаси тузилган тақдирда).

7. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

7.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

7.2. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони **7 (етти)** кишидан иборат.

7.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш, шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

- жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибни белгиловчи низомни тасдиқлаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва харажатларининг йиллик сметасини тасдиқлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- жамиятнинг бошқарув аъзоларини – хорижий менежерларни (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

- жамият тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан ҳамда аудиторлик ташкилотининг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилашга доир тавсиялар бериш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
 - жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
 - жамиятнинг ваколатхоналарини очиш ҳамда филиалларини ташкил этиш;
 - жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;
 - қонунчиликда белгиланган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
 - жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
 - жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
 - қонунчиликда белгиланган ҳолларда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
 - жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - ушбу Устав ва қонунчиликка мувофиқ кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш;
 - Фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонунчилик билан белгиланган миқдорда хайр саховат, эхсон (благодарительность) ва бошқа текинга, пулсиз (безвозмездно) амалга ошириладиган ёрдамлар бўйича қарор қабул қилиш ва ушбу ёрдамларни кўрсатиш (қабул қилиб олиш) тартибини белгилаш;
 - тегишли масалалар бўйича кузатув кенгаши қошида комитетлар (ишчи гуруҳлар) тузиш.
- Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим.

7.4. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

7.5. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

7.6. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

7.7. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

7.8. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

7.9. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

Кузатув кенгашининг мажлисида кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

7.10. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

7.11. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

7.12. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор), жамият кузатув кенгаши мажлисини чақиришга ҳақли.

7.13. Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва жамиятнинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун кузатув кенгаши аъзолари орасидан қўмиталар ташкил этилиши мумкин.

Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият фақат мазкур жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит қўмитасини ташкил этиши шарт.

Жамиятнинг ички аудит хизмати, агар бундай хизмат мавжуд бўлса, ўз фаолиятида аудит қўмитасига ҳисобдордир.

Қўмиталарни шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби жамиятнинг кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда белгиланади;

7.14. Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин. Бунда давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг улуши устун бўлган жамиятларда номзод кўрсатиш ҳамда кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўйича овоз бериш давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг вакиллари томонидан амалга оширилади.

Қуйидаги шахс кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:

- сўнгги уч йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларида ишламаган шахс;

- жамиятнинг акциядори ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;

- жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик миждози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси миждоз ва етказиб берувчи билан энг кам иш ҳақининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик миждоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

- жамият ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;

- жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларининг аъзоси бўлган шахсининг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахсининг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишган ва ўғай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;

- давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс;

7.15 Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш Кузатув кенгаши раиси томонидан Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади. Кузатув кенгашининг таркибига ҳар ой якунида кузатув кенгаши раисига Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2,5 (икки ярим) баробарида, кузатув кенгаши аъзолари ва котибига 2 (икки) баробари миқдорида ҳақ ва (ёки компенсация) тўланади.

8. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ (БОШ ДИРЕКТОР)

8.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш яккабошчилик асосида ижроия органи – **Бош директор** томонидан амалга оширилади.

Акциядорлик жамияти Бош директорини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади, шунингдек жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра жамият Бош директорини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади;

Бунда Бош директор ва хорижий менежерлар жамият кузатув кенгаши томонидан сайланади (тайинланади).

Жамият номидан жамиятнинг Бош директори ва хорижий менежерлар билан меҳнат шартномасини жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Бош директор (хорижий менежер) коллегиял ижроия орган (бошқарув)ни бошқаради.

8.2. Бош директор (хорижий менежер) ва бошқарув жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, “Жамият ижроия органи тўғрисида”ги Низоми, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

8.3. Жамият Бош директори (хорижий менежер) ва бошқарув акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

8.4. Жамият Бош директори (хорижий менежерлар) жамият кузатув кенгаши томонидан сайланади (тайинланади). Жамият номидан жамиятнинг Бош директори (хорижий менежер) ва бошқарув аъзоси билан меҳнат шартномасини жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ижроия органи аъзоси сайланганда, акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи ижроия органи вакилларининг ижроия органига аъзо сайлаш масаласида овоз беришга ҳақли эмас.

8.5. Жамият Бош директори (хорижий менежер) га тўланадиган ҳақ миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномасида белгиланади.

8.6. Жамият ижроия органи ваколатларига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

8.7. Жамият ижроия органи акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

8.8. Жамият Бош директори (хорижий менежер)нинг ваколатларига қуйидагилар киради:

- мазкур устав ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- жамият номидан битимлар тузиш, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

- штатларни тасдиқлаш, Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

- жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда жамият ички норматив ҳужжатларига риоя қилиш.

8.9. Жамият Бош директори (хорижий менежер) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- акциядорлик жамиятининг Устави ёки бошқа ҳужжатлари ҳамда меҳнат шартномаси билан жамият Бош директори ваколатига юклатилган жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш бўйича барча масалаларни мустақил ҳал этиш;

- акциядорлик жамияти номидан ишончномасиз иш юритиш, бошқа ташкилотлар ва органлар билан бўлган ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалаш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ акциядорлик жамиятининг мол-мулки ва пул-маблагларини тасарруф қилиш;

- шартномалар ва контрактлар, шу жумладан меҳнат шартнома (контракт)лари тузиш;

- ишончномалар бериш;

- банкларда ҳисоб-китоб счётлари ва бошқа счётлар очиш;

- ўзига бўйсунувчи барча ходимлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар ва кўрсатмалар бериш;

- ходимлар штатини тасдиқлаш, уни бутлаш;

- жамоа музокараларида Жамият номидан иштирок этиш ва жамоа шартномаларини тузиш;

- жамият ходимларини моддий рағбатлантириш;

- жамият ходимлардан ички меҳнат тартиби, ҳамда жамиятда амал қилаётган бошқа қоида ва тартибларга, шунингдек меҳнат шартномасига риоя қилишни талаб қилиш. Жамият ходимлари томонидан меҳнат интизомини бузган ҳолатларда уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш;

- ходим билан меҳнат шартномаси расмийлаштириш вақтида унинг учун Жамиятнинг хизмат ва тижорат сири деб белгиланувчи ахборотларнинг ҳажми ва таркибини белгилаш;

- мазкур Устав ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

8.10. Жамият Бош директори (хорижий менежер) ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

8.11. Жамият Бош директори (хорижий менежер) қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ жамият олдида жавобгардир.

8.12. Жамият Бош директори (хорижий менежер) мазкур устав ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

8.13. Жамият Бош директори ўринбосари Жамият Бош директори бўлмаган пайтда жамият устави, лавозим йўриқномаси, бошқа ички (локал) ҳужжатлар ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Жамият Бош директори билан келишилган ҳолда мустақил равишда жамият фаолиятига тегишли масалаларни ҳал қилади.

Жамият Бош директори ўринбосари Жамият Бош директори бўлмаган пайтда ўз бўйнига жамиятни жорий бошқариш билан боғлиқ бўлган ваколатни олади ва қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Жамият номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш;

Жамият манфаатларини барча ички (миллий) ва хорижий корхона, ташкилот ва муассасаларда химоя қилиш;

Жамият устави ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, мол-мулк ва воситаларни тасарруф этиш.

Жамият ишчи-ходимлари томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар (топшириқлар)ни чиқариш.

Жамият штат жадвалини тасдиқлаш;

Ишчи ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан озод этиш;

Жамият ишчи - ходимларини рағбатлантириш ва уларга нисбатан тегишли чоралар кўриш;

Банкларда ҳисоб, валюта ва бошқа счётларни очиш, шартномалар ва бошқа битимларни тузиш.

Маҳсулотларга келишув нархларни, тариф ва хизматларни тасдиқлаш;

Унинг ваколатига тегишли бўлган бошқа масалаларни ҳал этиш.

Жамият Бош директори ўринбосари жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш бўйича ўз вазифаларини бажаришда қуйидагиларга мажбур:

жамиятнинг ташкилий тузилмасига мувофиқ жамиятнинг ишлаб чиариш ва молиявий фаолиятига раҳбарлик қилиш, Жамият Бош директори бўлмаган пайтдларда жамиятни бошқариш.

Жамият Бош директори ўринбосари Жамият Бош директорЖамият Бош директори бўлмаган пайтда банк, пул, ҳисоб хужжатларга ва хўжалик шартномаларга имзо қўйиш ҳуқуқига эга.

Жамият Бош директори ўринбосари омборхона хужжатларига, таътил хужжатларига, лимит карта-ҳисоботларга, счёт-фактураларга, юк-қоғозига (накладная), статистик ҳисоботларга имзо қўйиш ҳуқуқига эга.

Жамият коллегиял ижроия органи (бошқарув)нинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларига қуйидагилар киреди:

- барча йўналишлар бўйича ишлаб чиқаришнинг истиқболли ривожланиш ва техник сиёсатни белгилаб бериш;

- ISO халқаро стандартларга асосланган сифат менеджменти тизими бўйича ишларни ташкиллаштириш, яхшилаш ва кенгайтириш бўйича бевосита фаол иштирок этиш;

- бажариладиган ишлар ва хизматлар сифатини ошириш, ва ички сифат текширувларининг йиллик режасини ишлаб чиқиш ишларига бошчилик қилиш;

- сифат менеджменти тизимини баҳолаш учун мезон ва йўналишларни ҳамда мезонларни баҳолаш бўйича саволлар рўйхатини белгилаб бериш;

- қонунчилик талабларига риоя қилиб, пеня ва жарималарни ҳисобга олган ҳолда уларнинг ваколатига кирувчи турли хилдаги шартнома, битим ва келишувларни тузиш ва имзолаш;

- жамиятнинг амалдаги ички хужжатларига асосан имтиёзларга эга бўлиш;

- меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг самарасини ва рентабеллигини ошириш, хизматларнинг таннархини камайтириш, меҳнат ва молия ресурсларининг моддий харажатларини камайтирган ҳолда катта самарадорликка эришиш орқали бошқарувнинг, унинг вакилликларининг молиявий фаолиятини ташкиллаштириш ва такомиллаштириш;

- жамият ва унинг вакилликлари фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини режелаштирилишини такомиллаштириш бўйича ишларни амалга ошириш;

- жамиятнинг ривожланиш программаси ва бизнес режасининг ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш;

- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларнинг ишончилиги ва тегишли ҳолатини ташкиллаштиришни, йиллик ҳисоботларнинг ва бошқа молиявий ҳисоботларнинг тегишли органларга ҳамда жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этиш;

- ер устидаги қурилиш объектларида жамият тизимидаги бўлинмаларнинг ва ташқи пудратчиларнинг ўзаро самарадорлигини ва ишини ташкиллаштириш;

- пудрат ишлари дастурларининг бажарилиши, уй-жой ва фуқаролик ҳамда ишлаб чиқаришга мўлжалланган ер усти қурилиш объектларининг фойдаланишга топширишни ташкиллаштириш;

- бухгалтерия ёзувлари ва бирламчи маълумотлар асосида бухгалтерия ҳисоботларининг ўз вақтида тузилишини ва уларнинг белгиланган тартибда тегишли органларга тақдим этилишини таъминлайди. Жамият бошқарувининг бухгалтерияси ходимларини бошқариш;

- жамият молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг рационаллигини ташкил қилиш ва таъминлаш;

- жамиятни тегишли ихтисос ва мутахассислик даражасига эга бўлган ва талаб этилаётган касб ҳунар ва малакага эга бўлган ишчи хизматчи кадрлар билан таъминлаш ишларини олиб бориш;

- барқарор ва самарали ишини таъминлаган ҳолда ўз ваколати доирасида жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва бошқарувнинг мутлақ ваколатига кирадиган масалалар бундан мустасно;

- жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва бошқарувнинг қарорларини бажарилишини ташкиллаштириш;

- йиллик бизнес-режанинг бажарилишининг бориши тўғрисидаги чораклик ҳисоботларнинг ва унинг ваколатига кирадиган ишларнинг бориши тўғрисидаги ҳисоботларни акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва жамият бошқарувида белгиланган муддатларда тақдим этиш;

- лавозим йўриқномаси, меҳнат шартномаси, «Ижроия органи тўғрисида»ги Низом ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўз ваколат доирасига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

9. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Тафтиш комиссияси

9.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси сайланади.

Жамият тафтиш комиссияси **3 (уч)** кишидан иборат.

9.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. **Айни бир шахс жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.**

9.3. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколат доираси ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатлари, ушбу устав ва акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

9.4. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

9.5. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

9.6. Жамиятнинг молия - хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

9.7. Жамиятнинг тафтиш комиссияси жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунлари бўйича ҳисобот ва хулоса тузади, бу хулосада:

жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилади.

9.8. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунлари бўйича тафтиш комиссия ҳисобот ва хулосаси акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

9.9. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига тафтиш комиссиясидаги фаолияти ҳар ой якунида Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1 (бир) баробари миқдорига ҳақ ва (ёки компенсация) тўланади.

б) Жамиятнинг ички аудит хизмати

9.10. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлганда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

9.11. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда

ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Жамиятнинг ички аудит хизмати ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши АЖга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

9.12. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

в) Аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор)

9.13. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга текшириш яқунлари бўйича ҳисобот ҳамда аудиторлик хулосасини тақдим этади.

9.14. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

10. ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИСИ

10.1. Жамият кузатув кенгаши томонидан унга ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозимини жорий этади.

10.2. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

11. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

11.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

11.3. Мазкур Уставда назарда тутилмаган масалалар (маълумотлар) Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

«O'zneftgazduqta`mirlash» aksiyadorlik
jamiyati Бош директори



(имзо)

Р.Р.Қудратов.